# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2012 йил 10 ноябрь, № 220 (5640) Шанба


# Баркамол авлод – келажак таянчи

*Ўзининг, ўғил-қизларининг эртанги кунини ўйлайдиган ҳар бир инсон, ҳар бир ота-она “Барча қилаётган ишларим, аввало, фарзандим, уларнинг бахту саодати учун”, деб билади. Шу эзгу ниятда дарахт экади, иморат солади, фарзандига, керак бўлса, бутун борлиғини бахш этади.*

*Бугун мамлакатимизда кечаётган улуғвор ўзгаришлар, янгиланишлар ҳам аслида, ёшларимиз тақдири, уларнинг ёруғ истиқболига мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Юртимизнинг навқирон вакилларига кўрсатилаётган юксак эътибор, эъзоз ва эҳтиром Президентимиз Ислом Каримовнинг “Мен қатъий ишонч билан айтаманки, Ўзбекистонда яшаётган миллион-миллион ёшлар менинг болаларим, менинг фарзандларим!” деган сўзларида ҳам ёрқин акс этган.*


Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

**10 ноябрь — Халқаро ёшлар куни**

— Мен истиқлол йилларида камол топиб, муваффақиятга эришаётган ёшлар сафида эканлигимдан ҳамиша фахрланиб юраман, — дейди мумтоз қўшиқлар ижрочиси, “Ниҳол” мукофоти соҳиби Ғиёс Облоқулов. — Бугунги кунгача дунёнинг кўплаб мамлакатларида бўлиб ўтган нуфузли санъат фестивалларида қатнашдим. Буям истиқлол шарофатидандир. Ўз ўрнида хориждаги тенгдошларимиз бизнинг ютуқларимиз ҳақида тўлқинланиб, ҳайратланиб гапиришади. Биз бундай ҳавасга муносиб бўлишимиз керак.

Ўзлигини намоён этаётган бу каби ёшларимизни қўллаб-қувватлашда, айниқса, “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармасининг ҳиссаси беқиёс бўлмоқда. “Фонд Форум” томонидан мамлакатимизда иқтидорли ёшларни кашф қилиш, уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган лойиҳалар долзарблиги, кўп қирралиги, оммавийлиги билан ажралиб туради. Жамғарма ташкил этилган илк даврданоқ қатор лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Хусусан, ёш рассомлар ва амалий санъат усталарини кашф этиш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш борасидаги “Навқирон Ўзбекистон” анъанавий маданият фестивали жамғарманинг мазкур йўналишдаги энг йирик ва ёрқин тадбирларидан бири ҳисобланади.

(Давоми 4-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

## ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОИЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2012 йилнинг 1 декабридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ҳамда ижтимоий нафақалар, стипендиялар миқдори ўрта ҳисобда 1,1 баравар оширилсин.

2. 2012 йилнинг 1 декабридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи — ойига 79 590 сўм;

ёшга доир пенсиялар — ойига 155 670 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 155 670 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 95 520 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2012 йилнинг 1 декабридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ сарф-харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2012 йилнинг 1 декабридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 5 июлдаги ПФ-4450-сонли Фармони (1-бандининг иккинчи хатбоши ва 6-банди истисно қилинган ҳолда), 2012 йилнинг 1 декабридан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2012 йил 9 ноябрь

КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифалар

*Мамлакатимизда социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар изчил ва босқичма-босқич амалга оширилиши замирида фуқароларнинг давлат бошқарувидаги иштирокини янада кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади. Бу эса амалда фуқаролик жамияти институтларининг барча тизимларини, унинг давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилмалар бошқаруви жараёнига уйғун интеграциялашувини янада ривожлантиришни тақозо этади.*

## Экологик мувозанатни таъминлаш – долзарб масала

Бугунги кунда фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда.

Айни чоғда нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш долзарб масалалардан ҳисобланади. Зеро, шу асосда уларнинг қарорлар қабул қилиш, тегишли ижтимоий қатлам ва тузилмаларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тизимида муносиб ўрин эгаллаши янада кенгроқ таъминланади.

Шу маънода, 2008 йил август ойида давр талаби асосида Ўзбекистон Экологик ҳаракати ташкил этилди. У атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ғоясини қўллаб-қувватлайдиган ҳамда бу йўлда фаол иштирок этиш истагида бўлган фуқароларни бирлаштирди. Зотан, ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислоҳотларни экологик ёндашув асосида олиб бориш Ўзбекистон барқарор ривожланишининг самарали йўлларидан биридир.

Шубҳасиз, соҳадаги масалаларни ҳал этишда тегишли қонунчиликни такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир. Бунда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик муаммоларни бартараф этиш жараёнига жамиятнинг турли қатламларини жалб қилган ҳолда экологик назорат тизими самарадорлигини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий механизмни яратиш салмоқли ўрин тутади, албатта.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда экологик муаммоларни ҳал қилиш ва уларнинг салбий оқибатларини бартараф этиш борасида муайян тажриба орттирилди. Бироқ соҳадаги вазифаларнинг миқёси ва кўлами мамлакатимиз ҳамда минтақада экологик ҳолатни соғломлаштириш масалаларини комплекс ҳал этиш йўлида давлат органлари, жамоат бирлашмалари, фуқаролик жамияти институтлари ва фуқароларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштиришни талаб қилди. Шунинг учун атроф-муҳитни асраб-авайлаш нафақат давлат, балки жамият ва ҳар бир фуқаронинг вазифасига айланиб бормоқда.

(Давоми 2-бетда).

## Гўзаллик ва маҳорат танлови

*Санъат ва спорт ёш авлоднинг маънан ҳамда жисмонан баркамол бўлиб вояга етишида беқиёс аҳамият касб этади. Зеро, уларнинг ҳар иккиси ҳам эзгулик элчиси, гўзаллик ва саломатлик тимсолидир.*

Тадбир

Пойтахтимизда уч кун давом этган замонавий хореография ва спорт пластикаси халқаро кўрик-танлови иштирокчиларининг саҳнадаги ёрқин чиқишлари, беллашувлари бунинг яна бир тасдиғи бўлди. Истеъдодли ёшлар танлов давомида миллий рақс, хип-хоп, стрит дэнс, фри-стайл, дэнсхолл сингари замонавий санъат турлари, шунингдек, спорт пластикаси йўналишларида ўз маҳоратларини намоён этишди.

Аввал хабар берганимиздек, “Фонд Форум”, Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва “Форум юниор спорт” болалар спорт мажмуаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда юртимиздаги 40 га яқин рақс жамоалари ҳамда Россия, Қозоғистон ва Қирғизистон мамлакатлари вакиллари иштирок этдилар. Эътиборлиси, лойиҳа доирасида рақс санъати мавзуидаги фотокўргазмалар, жаҳонда таниқли рақкосларнинг маҳорат дарслари ҳам ўтказилди.

(Давоми 2-бетда).

Фармон ва ижро

*Мамлакатимизда аграр тармоқнинг изчил ривожланиши аҳоли турмуш фаровонлигини янада юксалтиришда муҳим пойдевор бўлмоқда.*

## Фермерлик ривожи ва истиқбол

Бу жараёнда фермер хўжаликларининг ҳиссаси, айниқса, салмоқли бўлаётир. Хусусан, бугунги кунда ер эгалари нафақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, балки уларни қайта ишлаш, истеъмол товарлари тайёрлаш ҳамда сервис хизмати кўрсатиш борасида ҳам етакчи кучга айланиб бораётгани қувонарлидир. Пировардида аҳоли дастурхони тўкинлиги таъминланиши баробарида, янги-янги иш ўринлари вужудга келмоқда.

Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрдаги “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони мазкур соҳадаги ислоҳотларни янги босқичга кўтаришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Нукус шаҳрида Фармон ижросини таъминлашга бағишлаб ўтказилган тадбирда ҳам бу яна бир бор ўз эътирофини топди.

(Давоми 2-бетда).

## Мукаммал суғурта бозори

**ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда**

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил тўққиз ойи якунларига бағишланган мажлисида мамлакатимизда “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури доирасида амалга оширилган ишларга барча манбалар ҳисобидан 2 триллион сўмдан ортиқ сармоя сарфлангани қайд этилди. Ушбу маблағлар, асосан, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга, ёш оилаларни, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини ривожлантиришга, баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини оширишга, қисқача айтганда, оиланинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлашга йўналтирилгани эътиборга лойиқ.

(Давоми 2-бетда).

Давра суҳбати

*Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамкорлигида “Жамоатчилик назорати самарадорлигини таъминлашнинг таъсирчан шакл ва механизмлари” мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.*

## Қонун лойиҳаси такомиллаштирилмоқда

Давра суҳбатида қайд этилганидек, жамоатчилик назорати мамлакатимиздаги демократик ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, давлат ва назорат органлари фаолиятидаги қонунийликни таъминлашда муҳим омил ҳисобланади.

Шу маънода, давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ҳамда самарали ҳуқуқий механизмини яратишга қаратилган “Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш зарурати белгилаб берилган.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

## ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ: ЖАДАЛ ЎСИШ СУРЪАТЛАРИ

***Шу йилнинг январь — сентябрь ойлари давомида мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 7 фоиз ўсди.***

Ҳудудларнинг саноат салоҳиятини ошириш дастури доирасида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, замонавий корхоналарни барпо этиш бўйича юзлаб лойиҳалар амалга оширилиши натижасида соҳада ана шундай жадал ўсиш суръати таъминланди.

# Экологик мувозанатни таъминлаш – долзарб масала

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Маълумки, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида атроф-муҳитни муҳофаза қилишни таъминлаш тизимида нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли ва ўрнини белгилашга қаратилган “Экологик назорат тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ғояси илгари сурилди. Чунки бу фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, шу жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш тизимидаги роли ва ўрнини аниқлашга, уларнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш соҳасидаги муҳим давлат дастурлари ижросини таъминлаш, бу соҳадаги бошқа экологик муаммоларни ечишдаги иштирокининг ҳуқуқий асосларини яратишга йўналтирилгандир.

Мазкур дастурий ҳужжат ижросини таъминлаш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси бир гуруҳ депутатлари томонидан “Экологик назорат тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида экологик назоратни амалга оширишда ҳуқуқни қўллаш амалиёти ўрганилди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда табиатни муҳофаза қилишга қаратилган қонун ҳужжатларида экологик назоратни амалга ошириш тартиби, табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органларининг назорат фаолиятини мувофиқлаштириш механизми тўлиқ ёритилмаган. Идоравий ва ишлаб чиқариш экологик назорати хизматларининг ваколатлари чегаралари, уларнинг ўз функцияларини бажариш механизмлари белгиланмаган. Жамоатчилик экологик назоратига тааллуқли нормалар умумий характерга эга бўлиб, уни ташкил этиш ва амалга оширишда мураккабликлар мавжуд.

Бу борада чет эл тажрибаси ҳам ўрганилди. Германия, Франция, Буюк Британия, Бельгия, АҚШ, Хитой, Жанубий Корея, Сингапур, Малайзия, Россия, Украина, Польша, Венгрия, Словакия, Чехия ва бошқа давлатларда қабул қилинган қонунлар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда бу соҳада жамоатчиликнинг иштирокини тартибга солишни назарда тутади.

Шу билан бир қаторда, кўпгина давлатларда экологик назорат тўғрисидаги алоҳида қонун ҳужжати ҳамда жамоатчилик экологик назоратини амалга оширишда ННТ роли ва ўрни ҳақидаги нормалар мавжуд эмас. Экологик назоратни амалга оширишнинг шакл ва усуллари, шунингдек, жамоатчиликнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилишдаги роли ва ўрни турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган. Шунингдек, жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олувчи, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг экологик йўналишдаги асосий фаолияти, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг экологик устуворликлари, корхона, муассаса, ташкилот ва фуқароларнинг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятидаги экологик талаблар белгилаб берилган ягона дастурий, истиқболли ҳужжат йўқ. Бироқ ушбу давлатларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик вазиятни соғломлаштириш бўйича қарорлар қабул қилишда жамоатчиликнинг иштирокини фаоллаштиришга хизмат қилувчи кўп йиллик тажриба шаклланган ва анъаналар мавжуд.

Таҳлиллар, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик вазиятни соғломлаштиришда, шунингдек, бу борадаги муҳим давлат дастурларини амалга оширишда ННТ, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари роли ва ўрнини, давлат органлари, экология йўналишидаги ННТ, идоравий ва ишлаб чиқариш экологик назорати хизматлари ваколатларини, назорат фаолиятини мувофиқлаштириш механизмини, уларнинг бу соҳадаги функцияларини амалга ошириш тартибини белгилаб берувчи ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш ҳамда “Экологик назорат тўғрисида”ги алоҳида қонун билан янги сифат босқичига кўтариш зарурлигини кўрсатди.

Бугунги кунда мазкур қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини аҳолининг барча қатламларига етказиш учун махсус видеоролик тайёрланди. Қонун концепцияси Экоҳаракат ва “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати веб-сайтларида жойлаштирилди. Марказий ва ҳудудий оммавий ахборот воситаларида унинг муҳокамаси кенг ёритилмоқда.

2011 — 2012 йиллар давомида Экоҳаракат, “Камолот” ЁИҲ, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, “Соғлом авлод учун”, “Нуроний” жамғармалари, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, жойлардаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, олимлар, ўқитувчилар, талабалар, экология ҳамда тиббиёт йўналишидаги нодавлат нотижорат ташкилотлари, ОАВ вакиллари иштирокида 110 та тадбир ташкил этилди. Республикамизнинг барча ҳудудларида бўлиб ўтган ана шу тадбирларда бевосита қонун лойиҳаси муҳокама қилинди ва уларда қарийб 23 минг киши иштирок этди. Уларда қонун лойиҳасини такомиллаштириш бўйича таклифлар олинди. Ушбу таклифлар экологик назорат объектларининг аниқ таърифи, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қошида экологик назорат инспекторлари институтини шакллантириш, экологик маданият, таълим-тарбияни тарғиб қилишда ННТларнинг ролини ошириш, ОАВда экологик мавзуларни ёритиш савиясини ошириш, Юқори малакали экологик назорат инспекторларини тайёрлаш марказини ташкил этиш масалаларига тааллуқли эди.

Келиб тушган таклиф ва фикрлардан юзга яқини экспертлар гуруҳи томонидан асосли деб топилди ҳамда қонун лойиҳасини такомиллаштиришда инобатга олинди.

Умуман, “Экологик назорат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси жамоатчилик томонидан ижобий қабул қилинмоқда. У фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш соҳасидаги вазифаларнинг амалий ижросида катта аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаш лозим.

Айни чоғда “Экологик назорат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги муҳим давлат дастурларини амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирокининг ҳуқуқий асосларини яратиш, экологик назоратни амалга оширишда жамоатчиликнинг, экология йўналишидаги ННТ, биринчи навбатда, Экоҳаракатнинг янада фаоллашувини таъминлашнинг ноёб ҳуқуқий асоси ҳисобланади. У атроф табиий муҳитни ифлослантиришга, шунингдек, фуқаролар ҳаёти ва саломатлигига хавф солиши мумкин бўлган вазиятларни кузатиш, улар ҳақида олдиндан огоҳлантириш ва назоратнинг самарали тизимини, назорат фаолиятини мувофиқлаштириш механизмини яратиш, ваколатли давлат органлари, экология йўналишидаги нодавлат нотижорат ташкилотлари, идоравий ва ишлаб чиқариш экологик назорати хизматларининг ваколатларини, уларнинг бу соҳадаги ўз функцияларини бажариш тартибини белгилаш борасида муҳим аҳамият касб этади. Бунда жамоатчилик экологик назоратига кенг маънода, яъни фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавфсиз атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқини таъминлаш, муҳим экологик қарорлар қабул қилишда ва бошқаришда иштирок этиш, шунингдек, атроф-муҳитга тааллуқли масалалар бўйича ахборот олиш, қарорлар қабул қилишда жамоатчилик иштироки ва адолатли судга эришиш ҳақидаги халқаро ҳужжатлар тамойилларини амалга оширилиши кафолати сифатида қаралмоқда.

**Борий АЛИХОНОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари,**
**Сергей САМОЙЛОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# Мустаҳкам оила суянчи

*Маълумки, оила — жамиятнинг асосий бўғини, келажак пойдеворини мустаҳкамлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга муҳим ижтимоий институтдир. Шу боис юртимизда оилани мустаҳкамлаш, унинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, оналар ва болалар саломатлигини сақлаш, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури доирасида кенг кўламли ишлар рўёбга чиқарилаётир.*

## Олий Мажлис Сенатида

Олий Мажлис Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан “Маҳалла” хайрия жамоат фонди республика бошқаруви билан ҳамкорликда ўтказилган “Оилани мустаҳкамлашда маҳалланинг роли ва таъсири” мавзуидаги семинарда шулар хусусида сўз юритилди. Унда сенаторлар, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, “Нуроний” жамғармаси вакиллари, Тошкент вилояти ва пойтахтимиздаги фуқаролар йиғинлари раислари, суд ва ҳуқуқ-тартибот идоралари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Эътироф этилганидек, истиқлол йилларида юртимизда оила институтининг ҳуқуқий асослари яратилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясидаги оила жамият ва давлат ҳимоясида экани ҳақидаги нормалар, Оила кодекси, 50 га яқин қонун ҳужжатлари, Президент фармони ва қарорлари, ҳукумат қарорлари, оила билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар шулар жумласидандир.

— Президентимиз ташаббуси билан “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурининг қабул қилиниши оила институти нуфузини янада оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди Олий Мажлис Сенати аъзоси Эркин Рўзметов. — Ҳозирги пайтда мазкур Дастур доирасида оилани ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий муҳофаза қилиш, унинг манфаатларини қўллаб-қувватлашга қаратилган кўплаб ишлар рўёбга чиқарилмоқда. Бу борада фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам алоҳида ўринга эга экани эътироф ва эътиборга лойиқ. Зеро, Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 19 йиллигига бағишланган тантанали мажлисдаги маърузасида таъкидлаганидек, ёш оилани ҳаётнинг турли тўфонларидан асраш, унинг мустаҳкам оёққа туриб олиши учун елкадош бўлиш, бу борада зарур кўмак, маслаҳат кўрсатишда маҳалланинг роли ва аҳамиятини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Шу маънода, мустаҳкам, соғлом оилани қарор топтириш ва унинг мақомини ошириш бўйича аниқ мақсадли вазифаларни амалда рўёбга чиқаришда маҳалланинг ролини кучайтириш ҳам айни муддаодир.

Семинарда Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ижроси доирасида олиб борилаётган ишлар хусусида ҳам сўз юритилди.

— Концепция биз учун узоқ йилларга мўлжалланган дастуриламал ҳужжат бўлди, — дейди “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Наманган вилояти бўлими раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Насритдин Садритдинов. — Зеро, ҳозирги пайтда Концепция талабларидан келиб чиқиб, маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, унинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш тизимидаги вазифаларни бажаришда кўмаклашиш, маҳалла институтининг ташкилий асосларини такомиллаштириш, оилаларни мустаҳкамлашда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини янада ошириш бўйича муайян чора-тадбирлар кўрилмоқда. Хусусан, Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида 850 дан ортиқ фуқаролар йиғинлари қошида ота-оналарнинг ёш авлодни тарбиялаш бўйича ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий ва физиологик билимларини оширишга қаратилган “Ота-оналар университетлари” ташкил этилди. Шунингдек, баркамол авлодни тарбиялашда оила институти ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг таълим муассасаси билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш бўйича тасдиқланган чора-тадбирлар мажмуаси амалга оширилмоқда. Ушбу саъй-ҳаракатлар ҳам, ўз навбатида, оила нуфузини юксалтириш, уни мустаҳкамлашга хизмат қилади, албатта.

Тадбирда маҳалланинг оилани мустаҳкамлашдаги роли ва аҳамиятини ошириш, хусусан, оилада соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга салбий таъсир кўрсатадиган омилларни бартараф этиш, “Оила — маҳалла — таълим муассасаси” ҳамкорлиги механизмини кучайтириш, оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, соҳа қонунчилигини бугунги кун талаблари даражасида такомиллаштириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди ҳамда бу борада йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш бўйича тавсиялар берилди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Фермерлик ривожи ва истиқбол

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси М. Ерниязов бошқарган йиғилишда таъкидланганидек, бевосита Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимизда фермерлик фаолиятининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши натижасида соҳанинг моддий-техника базаси тобора мустаҳкамланиб, қишлоқ хўжалигида қатор муваффақиятлар қўлга киритилаётир. Биргина Оролбўйи минтақаси мисолида оладиган бўлсак, жорий йилда қорақалпоғистонлик фермерлар 94 минг 700 гектар майдонда 215 минг тоннадан ортиқ пахта етиштиришга муваффақ бўлдилар. Бинобарин, ҳосилдорлик ҳам ўтган йиллардагига нисбатан бирмунча ошгани кузатилди. Айни пайтда ҳудудда келгуси йил ҳосили учун пухта тараддуд кўрилмоқда.

Тадбирда давлатимиз раҳбарининг юқоридаги Фармонида кўзда тутилган вазифаларни изчил амалга ошириш асносида, фермер хўжаликлари фаолиятини замон талаблари асосида такомиллаштириш, иқтисодий мустақиллигини ошириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш юзасидан галдаги устувор чора-тадбирлар белгилаб олинди.

**Ҳ. АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Мукаммал суғурта бозори

**ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Дарҳақиқат, Президентимизнинг 2012 йил 27 февралдаги қарори асосида қабул қилинган мазкур Давлат дастури ижросини таъминлашга қаратилган ишларнинг кўлами ниҳоятда кенг. Республикамиз суғурта бозорида етакчи ташкилотлардан бири ҳисобланган “Ўзбекинвест” экспорт-импорт суғурта компанияси фаолияти ҳам бунга мисол бўла олади.

Бу ҳақда куни кеча ушбу компанияда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Соғлиқни сақлаш вазирликлари ҳамда бошқа ташкилотлар мутасаддилари иштирокида ўтказилган “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури ижросига бағишланган матбуот анжуманида батафсил сўз юритилди.

Таъкидландики, айни пайтда “Ўзбекинвест” ўзининг халқаро фаолияти, ривожланган ҳудудий тармоқларининг мавжудлиги, тақдим этилаётган хизматларининг сифатли эканлиги, суғурта портфелининг мувофиқлиги ва диверсификацияси туфайли кўп тармоқли, ижтимоий йўналтирилган суғурта компанияси сифатида юзага чиқмоқда. Жорий йилнинг тўққиз ойида суғурта мукофотларининг ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,4 баробарга, қабул қилинган суғурта мажбуриятларининг ҳажми эса 1,7 баробарга ўсгани ана шундан далолат беради.

Бундан ташқари, компания томонидан суғурта хизматлари билан республикамиз аҳолисини тўлиқ қамраб олиш мақсадида қишлоқ жойларда 6 та янги бўлинма ташкил этилиб, уларнинг сони 90 тага етказилгани, агентлари сони эса 950 дан ошгани ҳам бу борадаги ишларни жадаллаштиришда қўл келаётир.

Компаниянинг суғурта маркази директори Ш. Аминжоновнинг айтишича, Мустаҳкам оила йили муносабати билан, қолаверса, мижозларнинг талабига кўра, “Менинг уйим”, “Менинг оилам”, “Менинг соғлиғим”, “Менинг бизнесим” сингари 8 та янги суғурта маҳсулоти ишлаб чиқилиб, мавжуд 77 та маҳсулот модернизация қилинган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига, шу жумладан, оилавий бизнес вакилларига мўлжалланган янги суғурта маҳсулотлари бўйича кўрсатилган хизматлар ҳажми эса 2,7 миллиард сўмни ташкил этмоқда.

Анжуманда, шунингдек, “Ўзбекинвест” экспорт-импорт суғурта компаниясида келгусида амалга оширилиши режалаштирилган истиқболли лойиҳалар ҳақида маълумотлар берилиб, суғурта хизматининг оила ва жамиятни мустаҳкамлашдаги аҳамияти хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Модернизация

**— юқори сифат ва самарадорлик гарови**



*Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида илғор технологияларсиз рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни тасаввур этиб бўлмайди. Кейинги йилларда мамлакатимизда саноат корхоналарини модернизация қилишга алоҳида эътибор қаратилишининг боиси ҳам шунда.*

## Жараён



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Бу эса барқарор фаолият ва юқори даромадга эришишда асосий омил бўлмоқда.

Урганч шаҳридаги “Феруз-Хоразм” масъулияти чекланган жамияти фаолияти мисолида фикримизни тасдиқласак. Мазкур корхона ташкил этилганига 18 йил бўлди. Ўтган даврда унинг ишлаб чиқариш цехлари энг илғор дастгоҳлар билан жиҳозланди. Хусусан, 2011 йили жамиятга 206 миллион сўмлик 50 та замонавий тикув машинаси келтириб, ўрнатилди. Натижада ишлаб чиқариш ҳажми ортиши баробарида, қўшимча иш ўринлари ҳам юзага келди. Ҳозир “Феруз-Хоразм” чеварлари қўлидан чиқаётган бежирим либосларга ички бозорда талаб катта.

— Жамоамизда 150 киши меҳнат қилади, — дейди корхона раҳбари Дилбар Бобожонова. — Уларнинг асосий қисми хотин-қизлардан иборат. Жорий йил бошидан буён 2 миллиард сўмликдан ортиқ кийим-кечак тайёрладик. Маҳсулотларимиз сифатли ва бирмунча арзон бўлганлиги боис омборда туриб қолаётгани йўқ.

Дарвоқе, жамиятда касаначилик ҳам тобора ривожланиб бораётир. Ҳозир шу асосда 20 нафар хотин-қиз ишга жалб қилинган.

Жамоа йил охиригача яна 1,5 миллиард сўмликдан ортиқ сифатли кийим-кечаклар тайёрлашни режалаштирган. Бу эса корхона даромадини ошириб, келгусида янги истиқболли лойиҳаларни рўёбга чиқариш имконини беради.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Қонун лойиҳаси такомиллаштирилмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тадбирда мутахассисларнинг жамоатчилик назоратининг мазмун-моҳияти, шакл ва усуллари, назорат предмети, объекти ҳамда субъектлари, уни амалга ошириш механизми ва ҳуқуқий асослари ҳамда ривожланган хорижий мамлакатларнинг бу борадаги тажрибасига оид қизиқарли маърузалари тингланди.

Давра суҳбати якунида мамлакатимизда жамоатчилик назоратини амалга ошириш, унинг ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштириш, жамоатчилик назоратининг самарадорлигини таъминлаш, ушбу йўналишда фуқаролик жамияти институтлари ролини янада кучайтиришга оид тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Дилафрўз СЎФИЕВА,**
**Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти катта мутахассиси.**

# Иссиқхона буғда исийди

*Олмалиқ шаҳридаги “Аммофос-Максам” очиқ акциядорлик жамияти жамоаси ташаббуси билан замонавий иссиқхона ташкил этилди.*

## Интилиш

Корхона мутахассиси Шокир Шодиев томонидан ишлаб чиқилган инновацион технология асосида бунёд этилган ушбу мажмуа жамият цехларидан ажралиб чиқадиган буғ ёрдамида иситилади.

Ўтган қисқа фурсатда корхона ишчи-хизматчилари дастурхонига дастлабки 45,6 тонна помидор ва 1,8 тонна бодринг етказиб беришга эришилди. Айни пайтда эса хўжалик соҳибкорлари иссиқхонанинг экиндан бўшаган ерларига 24 минг туп помидор кўчатини экиб тугалладилар.

**Ғ. ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Гўзаллик ва маҳорат танлови

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Ёшларимизнинг халқаро рақс танловига жиддий тайёргарлик кўрганликлари бизни ниҳоятда хушнуд қилди, — дейди Ўзбекистон халқ артисти, кўрикнинг ҳайъат аъзоси Гули Ҳамроева. — Энг муҳими, ушбу нуфузли тадбирда кўплаб иқтидор эгалари кашф этилди, уларнинг устоз ва мураббийларига янада кўпроқ эътибор қаратиш керак бўлган жиҳатлар хусусида маслаҳат ва тавсиялар берилди.

— Танловда илк бор 2011 йилда иштирок этган ва “Энг яхши миллий рақс” номинацияси бўйича тақдирланган эдик, — дейди Ҳамза туманидаги “Баркамол авлод” болалар ижодиёти марказининг “Кўзмунчоқ” ашула ва рақс ансамбли бадиий раҳбари Санобар Мажидова. — Иқтидорли қизалоқларимиз бу гал танловнинг саралаш босқичида “Пилла” рақсини ижро этиб, томошабинларнинг олқишига сазовор бўлишди.

Мафтуна Эшмуродова танловнинг спорт пластикаси йўналиши бўйича беллашувларида муваффақиятли қатнашди. Болаликдан роллерликка қизиққан ёш спортчи эндиликда слалом (тепаликдан чанғида тушиш) билан ҳам жиддий шуғулланаётгани боис танловда ушбу спорт тури бўйича қобилиятини намоён қилишга интилди.

— Ўзим қизиққан спорт тури бўйича биринчи маротаба халқаро танловда қатнашдим, — дейди у. — Бу ерда биз ҳақиқий спорт усталари, маҳоратли мураббийлар билан яқиндан танишишга муваффақ бўлдик. Айниқса, пойтахтимиздаги Экопаркда бўлиб ўтган машғулотлар ва маҳорат сабоқлари ҳаммамизда унутилмас таассурот қолдирди.

Тадбирда ғолиб ва совриндорларга махсус диплом, сертификат ҳамда эсдалик совғалари топширилди. Танлов энг фаол иштирокчиларнинг концерт дастури билан якунланди.

**Муборак ОХУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Дил сўзи

*Инсон касбидан камол топса, меҳнати қадрланаётганини ҳис қилиб яшаса, ундаги фидойилик хислати янада ортаверади. Тиббиёт соҳасидаги салкам қирқ йиллик фаолиятимга назар солар эканман, шу ҳақда ўйлаб қолдим. Кечаги ва бугунги имкониятлар, ишдаги шарт-шароитлар, эришган натижаларимиз бирма-бир кўз ўнгимдан ўтди...*

# Беқиёс ғамхўрлик – ютуқларимиз асоси

Илк бор жарроҳлик амалиётида қатнашган кезларим эндигина 20 ёшга тўлган эдим. Ўша вақтлар ҳозиргидек замонавий технологиялар, тиббий ташхис ускуналари, шифохонадаги ҳавас қилса арзигулик шарт-шароитлар қаёкда эди, дейсиз.

Фахрлансак арзийдики, бугун мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизими ривожи йўлида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар натижасида тиббий хизмат сифати кундан-кун юксалиб, энг мураккаб саналган муолажа усулларини қўллаш имкони яратилмоқда. Бугун нафақат шаҳар марказлари, балки чекка қишлоқ жойларда ҳам элимизга юксак сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, хасталикка тезкор равишда аниқ ташхис қўйиш мумкин. Негаки, ҳозирги кунда аввалги ночор аҳволдаги фельдшерлик бўлими ва амбулаториялар ўрнида замонавий қишлоқ врачлик пунктлари ҳамда оилавий поликлиникалар фаолият кўрсатаяпти ва ушбу тиббий муассасаларнинг моддий-техник базасини яхшилаш, мутахассислар малакасини ошириш каби юмушларга катта маблағ йўналтирилмоқда. Натижада беморнинг шифокорга мурожаат қилиши ва даволаниши учун аввалги пайтлардагидек туман марказидаги шифохонага қатнаб овора бўлишига ҳожат қолмади. Умумий амалиёт шифокори қишлоқ ёхуд маҳалланинг ўзида жойлашган шифо муассасасида хасталикка аниқ ташхис қўйиб, беморга зарур тиббий тавсиялар бермоқда. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида юксак савияда ташкил этилган Саломатлик ҳафталиги тадбирларида бу яна бир бор ўз тасдиғини топди. Ушбу тадбир доирасида пойтахтимиздаги етакчи тиббий муассасаларда фаолият кўрсатаётган малакали мутахассислар жойларга бориб, энг чекка ҳудудларда истиқомат қилувчи юртдошларимизни бепул чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказдилар. Тезкор ташхис натижаларига кўра, аҳолига зарур тиббий тавсиялар берилганлиги кўпчиликнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилди.

Бизнинг Андижон давлат тиббиёт институти клиникасида ҳам бугун энг илғор даволаш усулларини амалиётга татбиқ этган ҳолда, бир неча турдаги хасталиклар самарали даволанмоқда. Клиникамизда ўтган йигирма бир йил ичида кўплаб ноёб жарроҳлик усулларини муваффақиятли амалга оширишга эришилди.

Ўзим институтнинг Даволаш факультети талабаларига сабоқ берганим боис амалиётга татбиқ этилаётган ноёб муолажа усулларини, биринчи галда, ёшлар чуқур ўрганиши учун ҳаракат қиламан. Янгича педагогик технологияларга асосланган назарий ва амалий машғулотларда сабоқ олган ўнлаб шогирдларим бугун қўли енгил шифокор, малакали жарроҳ сифатида юртимиздаги етакчи шифо масканларида фаолият олиб бормоқда. Уларнинг ишдаги муваффақиятларига гувоҳ бўлганим сайин дилимда фахр ҳисси жўш уради. Касбий фаолиятим асносида тўплаган тажрибам, билимларимни бугун ҳаётга кириб келаётган навқирон авлод вакилларига ўргатганим, ўргатаётганимдан ўзимни бахтиёр сезаман. Зеро, юртнинг энг катта ишончи, умиди — ёшлар. Уларнинг камолини кўриш, мамлакат равнақига муносиб ҳисса қўшиш йўлидаги интилишларини қўллаб-қувватлаш ҳар бир устоз-мураббийнинг бурчидир.

**Жўрахон САИДХЎЖАЕВА,**
**Андижон давлат тиббиёт институти доценти.**

# Табиат инжиқликлари

## океанорти аҳолиси матонатини синовдан ўтказмоқда

*Ўтган ҳафта АҚШда кузатилган "Сэнди" тўфони мамлакат тарихидаги энг йирик талафотларга сабаб бўлган табиий офатлардан бири, дея баҳоланмоқда. Ушбу ҳодиса, айниқса, Нью-Йорк, Нью-Жерси, Пенсильвания, Мэрилэнд, Ғарбий Виржиния, Коннектикут, Виржиния, Нью-Гэмпшир ва Шимолий Каролина штатларига жиддий зарар етказди. 113 киши ҳаётдан бевақт кўз юмди.*

### Тафсилот

Мутахассислар агар АҚШ ҳукумати аҳолини кучли тўфон ёпирилиб келаётгани ҳақида олдиндан огоҳлантирмаганида ва шунга яраша муносиб тайёргарлик кўрмаганида, талафот кўлами бундан-да катта бўлиши мумкин эди, дея фикр билдирмоқда. Дарҳақиқат, "Сэнди" мазкур давлатга қадар Куба, Гаити, Ямайка, Багама, Доминикан Республикаси, Пуэрто-Рикода минглаб вайроналарга сабаб бўлиб, аҳолининг кундалик турмуш тарзини издан чиқарди, аграр секторга сезиларли зиён етказди. Масалан, биргина Гаитининг айрим ҳудудларида қишлоқ хўжалиги экинларининг 80 фоиз ҳосили бой берилди. Энг ачинарлиси, ўнлаб инсонлар қурбон бўлди. Мана шу ҳодисалар АҚШликларни ҳушёрликка чорлади.

Кариб денгизи давлатларидан ўтиб, шимоли-шарқий йўналиш бўйлаб ҳаракатланган тўфоннинг АҚШга кириб боришига бир-икки кун вақт бор эди. Ҳисоб-китобларга кўра, у Виржиния штатидан Массачусетс штатигача бўлган жойни, яъни қарийб 50 миллион киши истиқомат қиладиган ҳудудни қамраб олиши аниқланди. Бу жуда жиддий масала эди. Шу боис талафотларга йўл қўймаслик учун ҳукумат тезкор чора-тадбирлар кўрди. Хусусан, Нью-Йорк ва Нью-Жерси штатлари фалокат хавфи юқори бўлган манзиллар, дея эълон қилиниб, соҳил бўйларида яшовчи минглаб одамлар хавфсиз ҳудудларга кўчирилди. Аҳолига тўфон ўтиб кетмагунига қадар иложи борича кўчага чиқмаслик юзасидан тавсиялар берилди. Шунинг учун ҳам фуқаролар тахминан беш-олти кунга етадиган озиқ-овқат маҳсулотларини олдиндан харид қилиб, жамғариб қўйишга киришишди. Талабнинг бу зайлда кескин ошиб кетиши натижасида савдо дўконлари, супермаркетлар пештахталари бўшаб қолди.

Нью-Йорк штати губернатори Эндрю Куомо эса ҳали "Сэнди" кириб келмасдан аввалроқ, аниқроғи, 26 октябрда фавқулодда ҳолат эълон қилганди. Табиий офат чоғида эса Жон Кеннеди, Ла Гардия аэропортларидаги минглаб рейслар кечиктирилди, жамоат транспортлари, банклар, компаниялар, биржалар, таълим муассасалари, истироҳат боғлари фаолияти вақтинча тўхтатилди. Нью-Жерси штатида ҳам шундай "сокинлик" ҳукмрон бўлди.



Аслида бундай шароитларда аҳолига руҳий далда бериш, кўнглини тинчлантириш жуда муҳим. Шундай эмасми? Бироқ АҚШда сал бошқачароқ йўл тутилди. Яъни тўфоннинг мамлакат ҳудудига кириб келиш жараёни кўчаларга ўрнатилган хавфсизлик камералари тасвирлари асосида жуда кўп телеканаллар орқали тўғридан-тўғри эфирда намойиш этиб турилди. Интернетдаги сайтлари пуллик ҳисобланган "The New York Times", "The Wall Street Journal" газеталари ҳамда "Newsday" интернет-нашри ўқувчиларнинг "Сэнди" билан боғлиқ жараёнлардан тезкор хабардор бўлиб боришига кўмаклашиш мақсадида ахборотларни вақтинча бепул узатди. Очиғи, буларнинг барчаси гўё Голливуд фильмларида акс эттириладиган воқеаларга ўхшарди...

Кўрилган тайёргарликларга қарамай талафотлар кузатилди, қурбонлар қайд этилди, айримлар бедарак йўқолди. Изоҳланишича, ҳаётдан кўз юмганларнинг аксарияти дарахт қулаб тушиши, ток уриши ёки биноларни сув босиши натижасида шундай фожиага йўлиққан. Тўфон содир бўлган куни 17 штатдаги 8,5 миллионта тураржой электр таъминотидан узилиб қолганди. Кейинчалик аксарият жойларда таъминот тикланди. Аммо ҳали ушбу муаммо тўлиқ бартараф этилмаган ҳудудлар ҳам мавжуд.

Табиий офат рўй берган жойларда ҳамон ёқилғи тақчиллиги энг оғриқли масала бўлиб турибди. Мисол учун, Нью-Йоркдаги автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаларининг қарийб 40 фоизи ишламаяпти. Фаолият кўрсатаётганларининг олдида эса узундан-узоқ навбат юзага келган. Айримлар, ҳатто, бензин олиш учун бутун бир сутка давомида кутишганини ҳам айтишмоқда. Буни Нью-Йорк шаҳар мэри Майкл Блумберг ҳам қайд этиб ўтди ва муаммо қисқа фурсатларда бартараф этилишини билдирди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, "Сэнди" тўфони АҚШ иқтисодиётига қарийб 50 миллиард доллар зарар етказган.

Метеорологлар шу ҳафтада АҚШ шимоли-шарқида табиатнинг навбатдаги синови — қор бўронлари кузатилишини маълум қилганди. Ҳукумат вакиллари "Сэнди" оқибатлари ҳали тўлалигича бартараф этилмаган ҳозирги шароитда мазкур ҳудудлар бундай ҳодиса билан юзма-юз келишга тайёр эмас, дея баҳолаганди. Дарҳақиқат, пайшанба куни кечаси Нью-Йорк, Нью-Жерси, шарқий Пенсильвания ҳамда Коннектикут штатларига 15 сантиметр қалинликда қор ёғиб, у билан биргаликда келган кучли шамол натижасида минглаб тураржой бинолари яна электр манбаисиз қолди. Ваҳолонки, ушбу манзилларда таъминот тиклангнига эндигина учтўрт кун бўлган, ҳатто айрим аҳоли пунктларида бу ишлар давом этаётганди. Умуман, айни пайтда 700 мингта уй-жой электр энергиясидан узилиб қолган.

"Энди биргина қор етишмай турувди, — дейди табиат синовларидан зада бўлган Нью-Йорк шаҳрининг Квинс районида истиқомат қилувчи фуқаролардан бири. — Очиғи, буни умуман кутмагандик. Лекин ҳар ҳолда қор ёмғир ва сув тошқинларидан яхшироқ-ку".

"Евроньюс" телеканали хабарига кўра, шамол тезлиги юқорилиги боис турли кўнгилсизликлар келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида истироҳат боғлари ёпилди, қурилиш ишлари вақтинча тўхтатилди. Ҳаво ҳарорати эса тобора тушиб бораяпти. Бу иситиш тизимига эга бўлмаган кўплаб хонадон эгаларини, айниқса, ёш болали оилаларни жиддий хавотирга солмоқда.

Аэропортларда ҳам режадаги парвозлар вақтини ўзгартиришга тўғри келаяпти. Масалан, Нью-Йорк ва Нью-Жерсида қарийб 1 минг 700 та рейс бекор қилинди. Нью-Жерси штати губернатори яқин суткалар ичида табиат аҳоли бардошини яна бир бор синовдан ўтказиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирди…

Албатта, ҳеч ким бундай кунлар бошига тушишини хоҳламайди. Халқимизнинг "Ўт балосидан, сув балосидан асрасин, дунёда тинчлик, хотиржамлик бўлсин", дея яхши ният қилиши ҳам бежизга эмас. Бироқ одамзод доимо табиат инжиқликлари олдида ожиздир. Шуни асло унутмаслик ва келгусида атроф-муҳитдаги мувозанатга путур етказмаслик ҳақида чуқурроқ ўйлаб кўриш лозим.

**Шавкат ОРТИҚОВ.**

### Молия муассасаларида

*Истиқлол йилларида мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, кенг кўламли бунёдкорлик ишлари изчил амалга оширилмоқда. Бу эса юртимиз иқтисодиёти ва аҳоли турмуш фаровонлигини муттасил юксалтиришга хизмат қилаётир.*

# Турмуш фаровонлигига йўналтирилган сармоя

Шубҳасиз, қўлга киритилаётган муваффақиятларда молия-банк тизимини ривожлантириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилаётган алоҳида эътибор муҳим аҳамият касб этмоқда. Натижада Юртбошимиз томонидан ҳаётга татбиқ қилинган тараққиётнинг "Ўзбек модели" самарадорлиги, аниқ мақсадга йўналтирилган ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат дастурлари ижросини таъминлашда молия муассасаларининг ўрни тобора ортиб бораяпти.

Маълумки, 2012 йил республикамизда "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилинди. Бу эса хонадонлар ободлигини янада ошириш давлатимиз сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири эканлигининг ёрқин тасдиғидир.

Бинобарин, бу борада белгилаб берилган устувор вазифаларни бажаришда республикамизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Самарқанд вилоятидаги молия муассасалари ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Уларнинг мижозлар учун сифатли ва замонавий банк хизматларини кўрсатиш, янги иш ўринларини ташкил қилиш ва аҳоли даромадларини оширишда иқтисодиёт тармоқларини молиявий жиҳатдан фаол қўллаб-қувватлаб келаётгани фикримизга мисол бўла олади.

Ушбу йўналишда олиб борилаётган ишларда "Асака" давлат-акциядорлик тижорат банки Самарқанд вилояти филиалининг ҳам катта ҳиссаси бор. Зеро, унинг аҳил жамоаси вилоятда муҳим ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалиётга изчил жорий этиш нақадар аҳамиятли эканлигини чуқур ҳис қилиб, юксак масъулият билан фаолият юритиб келмоқда. Бугунги кунда банк филиали томонидан 40 минг нафардан зиёд мижозларга барча турдаги банк хизматлари кўрсатилаётгани ана шундан далолат беради, албатта.

Ўз навбатида, "Асака" давлат-акциядорлик тижорат банкининг Самарқанд вилояти филиали томонидан хўжалик, корхона ва ташкилотларнинг ўзаро ҳисоб-китобларининг самарали бажарилишини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, корхона ва ташкилотларнинг молиявий аҳволини яхшилашга йўналтирилган ҳуқуқий ҳужжатларнинг сўзсиз ижроси йўлида бир қатор ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, 2012 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, банк филиали жами кредит қўйилмалари ҳажми 46,7 млрд. сўмни ташкил этгани ва унинг асосий қисми узоқ муддатли эканлиги эътиборлидир.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда диёримизда мулкдорлар сафи тобора кенгайиб, уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ошиб бормоқда. Яъни мамлакат тараққиётида салмоқли роль ўйнайдиган ўрта синф вакиллари орасида кичик бизнес, хусусий ва оилавий тадбиркорликнинг этагидан тутаётганлар, шу асосда хонадонига барака олиб кираётганлар сони кўпаймоқда. Бундай эзгу анъанани қўллаб-қувватлашда молия секторининг улуши ортаётгани эса қувонарлидир. Биргина "Асака" давлат-акциядорлик тижорат банкининг Самарқанд вилояти филиали томонидан 2012 йилнинг ўтган даври мобайнида соҳани ривожлантиришга 18,6 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилгани бунга мисол бўла олади. Натижада 400 га яқин иш ўрни яратилгани фуқароларнинг ижтимоий бандлигини мустаҳкамлашда айни муддао бўлди.

Ана шундай эътибор, қулайликдан баҳраманд бўлаётган корхоналардан бири "Мароқанд Парранда" масъулияти чекланган жамиятидир.

*— Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик равнақи учун зарур шарт-шароитлар яратилаётгани ишбилармонлар учун кенг имкониятлар эшигини очмоқда, — дейди ушбу корхона раҳбари А. Джалалов. — Корхонамиз аҳли билан бундай ғамхўрликдан унумли фойдаланишга интилаяпти. Чунончи, Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида парранда маҳсулотлари ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш йўлида изланишдамиз. Бу йўлда хорижда ишлаб чиқарилган, жаҳон стандартларига тўла жавоб берадиган ускуналарни олишни режалаштириб, "Асака" банкининг Самарқанд вилояти филиалига мурожаат этдик. Молия муассасаси ҳам талабимизни тезликда кўриб чиқиб, ижобий ҳал қилди. Банк кредити ҳисобига илғор жиҳозлар келтириб ўрнатдик.*

Бундай техник ҳамда технологик янгиланишлар парранда маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини янада кенгайтириш имконини берди. Айни чоғда мазкур лойиҳа рўёби туфайли корхонада 20 дан зиёд иш ўринлари ташкил этилди.

Шунингдек, банк филиалининг молиявий кўмаги туфайли "Амин Инвест Интернейшнл" масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхона трикотаж маҳсулотлари тайёрлаш учун замонавий асбоб-ускуналар сотиб олди. Ўз навбатида, 40 кишининг иш билан таъминланишига замин яратилди. Бундан ташқари, "Grand Samarkand superior" МЧЖга хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш учун кредит ажратилиши боис 10 та қўшимча иш жойи очилди.

Филиал томонидан давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 26 январдаги қарорига асосан, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ривожлантириш учун жами 5 млрд. сўмдан зиёд миқдорда кредит маблағлари йўналтирилганини алоҳида тилга олиш лозим.

Мазкур жараёнларда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг ижтимоий бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани эса ёш авлоднинг жамиятда муносиб ўрин эгаллаши, уларнинг оиласи бюджетини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшишида салмоқли ўрин тутмоқда. Шу бўйича "Асака" банки Самарқанд вилояти филиали ўзининг бир қатор лойиҳаларини амалга оширмоқда. Масалан, "Восток-Продукт" қўшма корхонасига ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш мақсадида ажратилган кредитлар натижасида барпо этилган янги иш ўринларига 30 нафардан зиёд коллеж битирувчилари қабул қилинди.

Умуман олганда, ушбу молия муассасаси ҳудудий дастурларда белгилаб берилган чора-тадбирлар самарадорлигини таъминлаш, шу аснода иқтисодиёт тармоқларини жадал равнақ топтириш, оилавий тадбиркорлик ва кичик бизнесни молиявий жиҳатдан рағбатлантиришга алоҳида эътибор бермоқда. Мазкур жараёнлар "Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун" тамойили асосида давом эттирилаётганидан эса барча мамнун бўлаётир.

Шуларга уйғун тарзда "Асака" давлат-акциядорлик тижорат банкининг Самарқанд вилояти филиали фуқаролар, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ҳар томонлама қулайликлар яратишни ўзининг устувор вазифаси деб билиб, мазкур жабҳалар ривожи тараққиёт муваффақиятлари учун энг асосий омиллардан бири эканини яхши англаган ҳолда, молиявий хизматлар бозорида самарали фаолият юритмоқда.

**Банк матбуот хизмати.**

# «Шарқ ва Ғарб маданияти мулоқоти»

*Ўзбекистон давлат санъат музейида "Шарқ ва Ғарб маданияти мулоқоти" мавзуида кўргазма очилди.*

### Кўргазма

Унда машҳур мусаввир Пабло Пикассо ижодига мансуб 12 та керамик буюм ҳамда таниқли рассом Надежда Кашина томонидан яратилган 15 та график асар намойиш қилинмоқда.

Ушбу асарларда акс эттирилган реал предметлар рангидан, тусидан қатъи назар, томошабинни бефарқ қолдирмайди. Жумладан, Пикассонинг керамик ишланмалари сиртидаги график тасвирлар уни қуршаб олган воқелик хусусида жонли тасаввур уйғотади. Бу ижодий ишларда бир вақтнинг ўзида Шарқ ва Ғарб маданияти, санъатига оид чизгилар мавжуд.

Кўргазма жорий йил охиригача давом этади.

**Ирода НАБИЕВА.**

● Реклама ва эълонлар ●


**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Бухоро вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Бухоро вилояти СИБ томонидан Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 2010 йил 2 августдаги 38/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бухоро шаҳри, Гулчорбоғ кўчасида жойлашган 2 қаватли тураржой биноси (11 та яшаш хонаси, ертўла, айвон, ҳаммом, дарвозахона) қўйилмоқда.

Бинонинг ички ва ташқи қисмлари замонавий усулда таъмирланган.

***Бошланғич баҳоси — 725 507 310 сўм.***

***Аукцион савдоси 2012 йил 12 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.***

Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 10 декабрь куни соат 18.00.

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Бухоро вилояти филиалининг «Турон» банки «Мустақиллик» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304920609016, МФО: 00111, СТИР: 207122519.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Бухоро ш., Мустақиллик к., 10-уй, 4-қават. Тел.: (8-365) 223-71-30. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

*Лицензия: RR-0001.*

1869R/1441



**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Сурхондарё вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

**1.** Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2012 йил 7 августдаги 19-1206/7658-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Абдулла Қаҳҳор кўчаси, 93-уйда жойлашган «Техсервис-таъминот» МЧЖга тегишли, ер майдони 1723,66 кв.м., 1965 — 1982 йилларда қурилган маъмурий бино ва омборхона арзонлаштирилган ҳолда.

***Бошланғич баҳоси — 174 420 000 сўм.***

**2.** ЖИБ Сурхондарё вилояти судининг 2009 йил 9 декабрдаги 2-144-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 26-уй, 48-хонадонда жойлашган, умумий майдони 68,7 кв.м., 2000 йилда қурилган, 3 хонадан иборат яшаш уйи арзонлаштирилган ҳолда.

***Бошланғич баҳоси — 19 439 280 сўм.***

***Аукцион савдоси 2012 йил 26 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.***

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 23 ноябрь куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг ХОАББ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609027, МФО: 01063, СТИР: 207122519.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз ш., Ф. Хўжаев к., 32-уй, «Тадбиркорлар маркази» биноси. Тел.: (8-376) 227-57-94. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

*Лицензия: RR-0001.*

1871R/1441



**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Фарғона вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Суд департаментининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2011 йил 30 декабрдаги 1-125-2011-сонли ижро варақасига асосан, «Фарғона Интер Рейн» қўшма корхонасидан хатланган, Олтиариқ тумани, «Қапчуғай» ҚФЙ, «Шарқ тонги» МФЙ, «Фарғона — Қўқон» автомобиль йўли ёқасида жойлашган, қурилиш эгаллаган майдони 10781,75 кв.м., фойдали майдони 3960,30 кв.м. бўлган, 2000 тонналик замонавий совутқич бино-иншоотлари такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 1 307 971 852 сўм.***

***Аукцион савдоси 2012 йил 28 ноябрь куни соат 10.00 дан бошлаб ўтказилади.***

Савдога қўйилган мулклар билан Суд департаментининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси суд ижрочилари вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 26 ноябрь куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси — «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Фарғона вилояти филиалининг Давлат-тижорат Халқ банки Фарғона вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609011, МФО: 00497, СТИР: 207122519.

**Манзил: Фарғона ш., Бурҳониддин Марғиноний к., 35-уй. Телефон: (8-373) 224-68-69. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

*Лицензия: RR-0001.*

1875R/1441



**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Қашқадарё вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Қарши шаҳар СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

**1.** Қашқадарё вилояти хўжалик судининг 2010 йил 25 январдаги 18-0903/22364-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Қашқадарё озиқ-овқат маҳсулотлари» МЧЖдан хатланган, Қарши шаҳри, «Ўзбекистон овози» газетаси кўчаси, 4-уйда жойлашган, умумий майдони 15077,04 кв.м., қурилиш ости майдони 4615,25 кв.м.дан иборат бино-иншоотлар.

***Бошланғич баҳоси — 2 124 886 000 сўм.***

**2.** ЖИБ Қарши шаҳар судининг 2012 йил 25 апрелдаги 1-18/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қарши шаҳри, Бўстон маҳалласи, Бўстон кўчаси, 33-уйда жойлашган, умумий ер майдони 480,0 кв.м. бўлган тураржой биноси.

***Бошланғич баҳоси — 113 999 800 сўм.***

**3.** Аукцион савдосига Китоб тумани СИБ томонидан Қашқадарё вилояти хўжалик судининг 2012 йил 16 июлдаги 18-1206/30478-сонли ижро варақасига асосан, Китоб тумани, «Севаз» ҚФЙ, Сариосиё қишлоғида жойлашган, «Содиқбойжон Тўра» МЧЖдан хатланган, умумий ер майдони 4100 кв.м., қурилиш майдони 546,65 кв.м., фойдали майдони 838,56 кв.м. бўлган савдо дўкони ва бино-иншоотлар такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 122 500 000 сўм.***

***Аукцион савдоси 2012 йил 27 ноябрь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.***

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 23 ноябрь куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк»и Қашқадарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609009, МФО: 00190, СТИР: 207122519.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Қарши ш., М. Абдуллаева к., 20-уй. Тел.: (8-375) 225-44-58. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

*Лицензия: RR-0001.*

1873R/1441



**«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!***

**1.** Қибрай тумани СИБ томонидан 2012 йил 1 майдаги 6237/5-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Салар» ШФЙ, Селекция маҳалласида жойлашган тикувчилик устахонаси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 48 012 525 сўм.***

**2.** Қибрай тумани СИБ томонидан 2011 йил 13 июлдаги 1087-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Оқ-қавоқ» ҚФЙ, Вир Ботаника кўчаси, 1-уйдаги 25-хонадон такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 41 061 330 сўм.***

**3.** Қибрай тумани СИБ томонидан 2011 йил 13 июлдаги 4912-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Оқ-қавоқ» ҚФЙ, Узумзор маҳалласида жойлашган дўкон такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 119 456 370 сўм.***

**4.** Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан 2011 йил 13 июлдаги 1087-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Гагарин кўчаси, 5-уйдаги 21-хонадон такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 6 099 300 сўм.***

**5.** Юқори Чирчиқ тумани СИБ томонидан 2011 йил 13 майдаги 11-1132/4055-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, Янгибозор қўрғони, Мустақиллик кўчасида жойлашган чойхона ва бостирма бинолари такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 200 970 000 сўм.***

**6.** Юқори Чирчиқ тумани СИБ томонидан 2011 йил 3 ноябрдаги ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, Султонравод даҳаси, Паркент кўчасида жойлашган чойхона биноси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 110 799 900 сўм.***

*Аукцион савдоси 2012 йил 26 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.*

**7.** Юнусобод тумани СИБ томонидан 2010 йил 30 июлдаги 23360/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Фарғона йўли кўчаси, 2-муюлиш, 88-90-уйда жойлашган соғломлаштириш ва кўнгилочар мажмуаси (сауна).

***Бошланғич баҳоси — 120 360 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2012 йил 11 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулк 2012 йил 11 декабрь куни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур мулкни сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йил 26 декабрь куни бўлиб ўтади. Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан Суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ Тошкент шаҳри АТИБ «Ипотека-банк»и Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504936050002, МФО: 00425, СТИР: 207125885.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли к., 184-уй. Телефон: (8-371) 266-80-76.**

***Лицензия: RR-0052.***

1874A/121



# Баркамол авлод — келажак таянчи

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2005 йилдан эътиборан “Келажак овози” республика иқтидорли ёшлар танлови бутун юртимиз бўйлаб ўтказилиб, унда ўтган йиллар мобайнида минг-минглаб ўғил-қиз қатнашди. 2010 йилда БМТнинг мамлакатимиздаги Ахборот маркази (UNIC) ҳамда Аҳолишунослик фонди (UNFPA) “Келажак овози” танловини ёшларга қаратилган энг яхши лойиҳа, дея эътироф этди. Танлов асосида Ёшлар ташаббуслари маркази ташкил этилиб, у интилувчан ёшларни бирлаштиради, иштирокчиларнинг қизиқарли лойиҳа ва ғояларини ҳаётга татбиқ этиш учун шарт-шароитлар яратади.

“Фонд Форум” ва “Меҳр нури” жамғармалари томонидан ўтказиладиган Таълим грантлари ҳамда Иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастурини мамлакатимиз абитуриентлари ва талабалари жуда яхши билишади. Таълим грантлари олий ўқув юртида шартнома пулини тўлаш, Стипендиялар дастури эса жамғарманинг қўшимча ойлик стипендиясига эга бўлиш имкониятини беради.

Энди айтинг, бундай кенг кўламли тадбирлар болажон, ўзидан кўра фарзандини ўйлаб, унинг тарбиясига жиддий масъулият билан қарайдиган халқимиз учун айни муддао эмасми?!

— Биз Оққўрғон туманида яшаймиз, — дейди ушбу туманнинг “Шоҳруҳия” қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Эргаш Ғофуров. — Бу ерда 7 минг аҳоли бор. 5 та мактаб, битта касб-ҳунар коллежи ёш авлод ихтиёрида. Мактабларимизнинг барчаси замонавий кўринишда, энг сўнгги ўқув ускуналари билан жиҳозланган. Мазкур таълим муассасаларининг ички ва ташқи кўриниши қанчалик муҳташам бўлса, у ерда таълим-тарбия олаётган фарзандларимизнинг одобу икроми ҳам шу қадар ибратли. Энг муҳими, янги авлоднинг эртасини ўйлаб жорий этилаётган янгиланишлар ўзининг ҳаётий самарасини кўрсатмоқда.

Бу фарзандлар камолидан қувонаётган бир инсоннинг фикрлари. Эртамиз эгалари эришаётган марралар, забт этаётган чўққилар, табиийки, бошқа юртдошларимизга ҳам шу қадар ғурур бағишлайди.

...Бугунги шиддат билан ўзгараётган замонда ҳар бир давлатда ҳам ёшларга, уларнинг билим олиши ва келажагига бўлган муносабат ижобий эмас. Шундай мамлакатлар борки, болаларини ўқитиш, қорнини тўқ, устуни бут қилишга қурби етмайди. БМТ маълумотларига кўра, дунёда 854 миллион одам очарчиликдан азият чекмоқда. ЮНЕСКО маълумоти бўйича Ер юзида мактаб ёшидаги 100 миллион бола ўқиш имкониятидан маҳрум. Мана шу сингари аниқ мисоллар, кундай равшан далиллар билан таниш бўла туриб баъзан фалончи давлатда шароит бунақа, дея тамшаниб айтилган фикрларни ҳам эшитиб қоламиз. Хўп, яхши бўлса бордир. Аммо шу билан бирга, ўзимиздаги оламшумул янгиланишларни сезмаслик, ҳис қилмаслик мумкинми?

Бинобарин, яратилган қулайликлар туфайли олий ўқув юртлари ҳамда касб-ҳунар коллежларини битираётган йигит-қизларга имтиёзли кредитлар ажратилиб, бунинг эвазига улар учун мустақил иш бошлаш имконияти берилаяпти.

Жасур Акбаров — ана шундай ёшлардан бири. У 2011 йилда Поп туманидаги транспорт ва алоқа коллежини битиргач, банкдан олинган 4,2 миллион сўм кредит эвазига кичик хусусий корхона ташкил этди.

— Коллежни битириш арафасида бизнес-лойиҳа тузиб, банкдагиларга кўрсатгандим, улар мени астойдил қўллаб-қувватлашди, — дейди Жасур. — Керакли маблағни қўлга киритгач, компьютер жамланмаси ҳамда телефон ускуналарини харид қилдим. Айни пайтда ўзимиз яшаётган ҳудуд аҳолисига “Пайнет”, шаҳарлар ва халқаро сўзлашув телефон тармоғи орқали хизмат кўрсатаяпмиз. Бу ерда ҳозирча беш нафар тенгдошларим билан меҳнат қилмоқдамиз. Иш бошлаганимизга қисқа вақт бўлишига қарамай, кредитларни уздик. Мақсадимиз фаолиятимиз кўламини янада кенгайтириб, ишчилар сонини оширишдир.

Бугун мамлакатимизда Жасур Акбаровга ўхшаб ўзининг ишини, бизнесини йўлга қўйиб олган ёшлар минг-минглаб топилади. Агар ҳар бир рақам ортида ёшлар манфаати, уларнинг орзу-умидлари ушалаётганлигини инобатга олсак, бу борадаги ислоҳотларнинг беқиёс аҳамиятга эга эканлигини англашимиз қийин эмас.

Зотан, Президентимизнинг навқирон авлод вакилларига қарата айтган ушбу сўзлари уларни ҳар доим янгидан-янги марралар сари чорлайвериши, шубҳасиз: “Менинг энг катта ишончим ёш авлоддир. Замонавий билимга эга, одобли, илмли, кўрсанг ҳавасинг келадиган, баркамол ва шижоатли фарзандларимиздир. Мен ўзимнинг тақдиримни ҳам, мамлакатимиз ва мустақиллигимиз тақдирини ҳам ана шуларнинг қиёфасида кўраман. Киши ана шундай фарзандлари борлигидан куч олади, онги тиниқлашади, рағбатланади, кўкси тоғдай кўтарилади”.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ.**

# Саҳродаги илмий шаҳарча

*Қизилқум чўлининг Пешку туманига қарашли ҳудудида қад ростлаган илмий шаҳарчада ноёб қуш тури — йўрғатувалоқлар кўпайтирилмоқда.*

**Изланиш**

Нодавлат нотижорат ташкилоти томонидан қушларни сақлаш ва кўпайтириш мақсадида барпо этилган масканда хорижлик олимлар ўзбекистонлик ҳамкасблари билан ҳамкорликда илмий тадқиқот ишларини олиб боришаяпти. “Қизил китоб”дан ўрин олган йўрғатувалоқни кўпайтириш, қушлар популяцияси ва уларни очиқ табиатга қўйиб юбориш борасида тўпланган тажрибаларни ўзаро баҳам кўришмоқда. Саҳродаги илмий шаҳарча замонавий лаборатория ускуналари билан жиҳозланган. Айни пайтда бу ерда парваришланаётган йўрғатувалоқлар сони 600 тани ташкил этади. Шу пайтгача 300 та қуш очиқ табиатга қўйиб юборилди. Эътиборлиси, уларнинг ҳар бири устида тадқиқотлар давом этаяпти.

**Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**




## Стратосферадан сакраган довюрак

**“Довюрак Феликс” лақаби билан дунёга машҳур австриялик парашютчи Феликс Баумгартнер 39 километр баландлик (атмосферанинг стратосфера қатлами)дан сакраб, инсон махсус техника воситаларисиз ҳам товуш тезлигини қувиб ўтиши мумкинлигини амалда исботлади.**

Интернет манбаларида қайд этилишича, Феликс фаолиятини айнан мана шундай шов-шувли воқеа билан якунлашни истаганди. Бу мақсадига эришиш учун у нақд етти йил ҳозирлик кўрди. Белгиланган кун етиб келгач, гарчи спортчи ҳам руҳан, ҳам жисмонан тайёрлигини билдирган бўлса-да, лойиҳа иштирокчилари анча хавотирланишди. Чунки уриниш фожиа билан тугаши ҳам мумкин эди-да. Кўринишидан худди космонавтлар скафандрини эслатувчи кийимдаги Феликснинг ерга тушиш жараёни 50 та давлатдаги 40 та телеканал орқали тўғридан-тўғри кузатиб борилди. Ҳисоб-китобларга кўра, парашютчининг “эркин тушиш” пайтидаги тезлиги соатига 1340 километрни ташкил қилган. Эътибор беринг, “Boeing-767” ва “Airbus A-320” ҳаво лайнерлари учиш вақтида ўртача 900 км/соат тезликда ҳаракатланади. Ҳаммаси хайрли якун топди. 43 ёшли спортчи қарийб 10 дақиқа (шунинг 4 дақиқаю 20 сонияси эркин тушиш пайти)дан сўнг ерга эсон-омон тушди. Рекордчининг сиҳат-саломатлиги жойида.



## 80 кишилик лифт

**Япониянинг Осака шаҳрида дунёдаги энг катта лифт мавжуд.**
**41 қаватли “Umeda Hankyu” деб номланган бинога жойлаштирилган мазкур қурилма бир йўла 80 кишига хизмат кўрсатиш имкониятига эга.**

Иншоотда 5 та шундай лифт бор. Демак, бир вақтнинг ўзида нақд 400 киши истаган қаватига чиқиб олиши ёки тушиши мумкин.

“Umeda Hankyu”га ушбу ноёб техника “Мицубиши” компанияси томонидан тақдим этилган.

## Ярим асрдан сўнг топилган соат

**АҚШнинг Нью-Йорк штатида яшовчи Эда Григор исмли пенсионерга бундан ярим аср аввал йўқотган тилла қўл соатини қайтаришди.**

Григорнинг эслашича, у бу соатини 1958 йилда, мактабни битираётган чоғида яқинларидан совға сифатида олганди. Унда исми ва ўша йил санаси ўйиб ёзиб қўйилган. Афсуски, соатни ҳарбий хизмат даврида йўқотиб қўйган Григор ўзи учун қадрли бўлган совғани топишнинг уддасидан чиқолмаганди. Орадан йиллар ўтгач, у умидини бутунлай узган эди. Бироқ яқинда Григорнинг уй телефони хотирасига лас-вегаслик Марк исмли кишидан соат ундалиги ҳақида хабар қолдирилибди. Пенсионер аввалига буни ҳазил, деб тушуниб, эътибор бермади. Лекин турмуш ўртоғи Роуз хоним ўша инсонга қўнғироқ қилади. Гўшакни кўтарган Пэт Херрик исмли аёл (унинг Маркка ким экани номаълум) Григорнинг соатини тўлалигича таърифлаб беради ва бу ноёб буюм унинг онаси яшаган уйдан топилганини айтади. Шундай қилиб, соат ўз эгасига қайтарилди. Бугун икки оила аъзолари борди-келди қилишади.

## «Бой»лигидан бехабар жониворлар

**Италиялик 84 ёшли Николина исмли пенсионер аёл Кикко лақабли итига икки миллион евро миқдорида мерос қолдирди.**



Фақат шугина эмас. Ворис ит Аквила ва Казарта шаҳридаги тураржойларга ҳам эгалик қилади. Николина хоним жонивор ушбу мол-мулкка жуда муносиб эканлигини таъкидлайди.

Дарвоқе, 2011 йил охирида Италияда шунга ўхшаш ҳолат кузатилганди. Рим шаҳрида истиқомат қилувчи аёл Томмазино исмли мушукка 10 миллион евро қийматидаги мулкини мерос сифатида қолдирганди.

Қизиқ, жониворлар миллионер эканликларини билармикан?

**Шавкат ЗОКИРЖОНОВ тайёрлади.**

Тошкент давлат шарқшунослик институти жамоаси Жанубий Осиё тиллари кафедраси доценти Тамара Ходжаевага турмуш ўртоғи **Жаҳонгир ЮЛДАШЕВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**Осиё чемпионати**



**Аввал хабар қилганимиздек, шу кунларда Бирлашган Араб Амирликларида футбол бўйича ёшлар (U19) ўртасида Осиё чемпионати бўлиб ўтмоқда.**

# Ёшларимиз чорак финалда

Куни кеча мазкур нуфузли мусобақанинг чорак финалчилари номи маълум бўлди. Қувонарли жиҳати, улар орасида Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ҳам бор.

Совринли ўринлар учун курашни “С” гуруҳида бошлаган Аҳмаджон Мусаев шогирдлари уч учрашувнинг иккитасини ғалаба билан якунладилар, бир ўйинда эса дуранг натижа қайд этишди. Жумладан, ҳамюртларимиз дастлабки турда вьетнамлик футболчиларни 4:0 ҳисобида мағлубиятга учратишди. Иорданияга қарши ўта муросасиз курашлар остида кечган иккинчи баҳс 2:2 ҳисоби билан тугади.

Чорак финал масаласи ҳал этиладиган учинчи турда вакилларимиз амалдаги Осиё чемпиони — Корея Халқ Демократик Республикаси ёшлар терма жамоасига қарши майдонга тушди. Таъкидлаш жоизки, мазкур ўйиннинг натижаси ҳар икки жамоа учун ҳам жуда муҳим эди. Шу боисдан дастлабки дақиқаларданоқ кураш ўта кескин ва муросасиз кўриниш олди. Ҳатто бу борада баъзи вазиятларда рақиблар устунлик ҳам қилдилар. Аммо ортиқча ҳаяжонга берилмаган футболчиларимиз аста-секинлик билан вазиятни ўз томонларига оғдиришди. Биринчи бўлимда дарвозалар дахлсизлиги сақлаб қолинди. Ўйиннинг иккинчи қисмида эса ҳамюртларимиз рақибдан кўра мазмунлироқ ўйин намойиш эта бошладилар. Бу ўз самарасини берди. Хусусан, Игорь Сергеев пенальтини аниқ амалга ошириб, ҳисобни очди. Эътиборли жиҳати, бу асли амплуаси ярим ҳимоячи бўлган Игорнинг мусобақадаги бешинчи голидир. Орадан бир оз вақт ўтгач катта тезликда жарима майдонига ёриб кирган Тимур Ҳакимов рақиб жамоанинг уч футболчисини ортда қолдириб, ҳисобни 2:0 кўринишига олиб келди. Унинг бу хатти-ҳаракатларини “Спорт” телерадиоканали шарҳловчиси айни пайтда дунёдаги энг кучли чарм тўп устаси — Лионель Мессининг дриблингига қиёслади. Дарҳақиқат, Тимур ана шу таърифга лойиқ гол муаллифига айланди.

Шу тариқа кучли рақибни мағлубиятга учратган терма жамоамиз етти очко жамғарди ва ўз гуруҳида биринчи ўринни қўлга киритди. Мазкур квартетда иккинчи бўлган иорданиялик ёш футболчилар ҳам кейинги босқичга йўл олди. Улар уч ўйинда беш очко тўпладилар.

Ушбу чемпионатда қитъанинг энг кучли жамоалари иштирок этаётгани гуруҳ босқич баҳслари давомида яққол кўзга ташланди. Буни иштирокчилар орасидан бирортаси чорак финалга юз фоизлик натижа билан чиқмагани ҳам тасдиқлайди. Бундан ташқари, қатнашчилар орасидан фақат Хитой ва Вьетнам ёшлар терма жамоалари умуман очко жамғара олмади.

Шу тариқа “А” гуруҳидан Эрон ва Япония, “В” гуруҳидан Ироқ ҳамда Жанубий Корея, “D” гуруҳидан Австралия ва Сурия ёшлар терма жамоалари кейинги босқичга йўл олди.

Чорак финалда қуйидаги жуфтликлар бир-бирига қарши тўп сурадиган бўлди:

Ўзбекистон — Сурия, Эрон — Жанубий Корея, Австралия — Иордания, Ироқ — Япония.

Учрашувларнинг ҳаммаси 11 ноябрь куни бўлиб ўтади. Ўзбекистон терма жамоаси иштирокидаги ўйин Тошкент вақти билан соат 16:00 да бошланади.

Эслатиб ўтамиз, мазкур жуфтликлар ғолиблари келаси йили ўтказиладиган жаҳон чемпионати йўлланмаларига ҳам эга бўладилар.

**Фазлиддин АБИЛОВ.**

● Реклама ва эълонлар ●

**«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Янгийўл тумани СИБ томонидан Тошкент вилояти хўжалик судининг 2012 йил 18 июндаги 11-1224/5433-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Техно Дроп Инвест» МЧЖга тегишли, Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси, 158-уйда жойлашган, умумий ер майдони 288,85 кв.м. бўлган таъмирталаб, 0001-литердаги маъмурий бино, 0002-литердаги қўшимча қурилиш ва 0003-литердаги омборхонадан иборат тикув цехи бино-иншоотлар қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 388 260 000 сўм.***

*Аукцион савдоси 2012 йил 13 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.*

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 11 декабрь куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-79-52. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

*Лицензия: RR-0001.* 18724/1441

**«FARG‘ONA MULK MARKAZI» МЧЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида такроран ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Суд департаментининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2011 йил 30 декабрдаги 1-125-2011-сонли ижро варақасига асосан, «Фарғона Интер Рейн» қўшма корхонасидан хатланган, Олтиариқ тумани, «Қапчуғай» ҚФЙ, «Шарқ тонги» МФЙ, «Фарғона — Қўқон» автомобиль йўли ёқасида жойлашган, 2000 тонналик музлаткич ускуна-жиҳозлари такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 1 512 416 517 сўм.***

*Аукцион савдоси 2012 йил 28 ноябрь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.*

Савдога қўйилган мулклар билан Суд департаментининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси суд ижрочилари вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 26 ноябрь куни соат 18.00.

Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «FARG‘ONA MULK MARKAZI» МЧЖ Давлат-тижорат Халқ банкининг Фарғона вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000704943063001, МФО: 00497, СТИР: 302134194.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 35-уй. Телефон: (8-373) 224-68-70. Расмий сайтимиз: www.fmm.uz**

1870А/1275

**«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси**
**тақдим этади:**
***биринчи маротаба ва фақат бир кун!***
**2012 йил 10 ноябрь куни соат 19.00 да «Истиқлол» санъат саройида.**

*Юртбошимиз томонидан миллий эстрада санъатини янада ривожлантириш борасида белгилаб берилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида «Сени шарафлаймиз, Ўзбекистоним!» деб номланган жонли ижродаги*
***«Марди майдон»***
***қўшиқлар фестивали ўтказилади.***

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:
**(8-371) 234-52-90, 235-41-15, 234-15-93.**

1853R/1268

## ОБ-ҲАВО (10 ноябрь)



| Ҳудуд | Тунда | Кундузи |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида | +4 +9 | +15 +20 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида | 0 +5 | +15 +20 |
| Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида | +6 +11 | +19 +24 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида | +4 +9 | +15 +20 |
| Бухоро ва Навоий вилоятларида | +4 +9 | +17 +22 |
| Тошкент шаҳрида | +4 +6 | +17 +19 |

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1154. 59 761 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Ҳидиров.
Навбатчи — М. Охунова.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.25 Топширилди — 22.30 1 2 3 4 5